

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Navoiy dori-darmon" AJ

Объявление

"NAVOIY DORI-DARMON" AKSIYADORLIK JAMIYATI

“COMPLY OR EXPLAIN” ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛИГА АСОСАН (РИОЯ ҚИЛ ЁКИ ТУШУНТИР)

“Навоий Дори-Дармон” АЖ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

“Навоий Дори-Дармон” АЖда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якуни бўйича:

- Баҳолаш “Promstroy-audit” АТ МЧЖ томонидан Давлат Рақобат Қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-маориф маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволномага асосан ўтказилди. Баҳолаш натижаси бўйича 2022 йил 19 апрелдаги 2-сонли хулоса ва ҳисобот берилди.

Баҳолаш натижасига кўра юқорида айтиб ўтилган Саволнома бўйича “Навоий Дори-Дармон” АЖ корпоратив бошқарув тизими даражаси қониқарли деб этироф этилган.

Э Ў Л О Н :

“Comply or explain” халқаро тамойилига асосан

(риоя қил ёки тушунтир)

“Навоий Дори Дармон” АЖ шуни маълум қиладики, акциядорларнинг 2015 йил якуни бўйича умумий йиғилиши қарори билан жамият томонидан 27.05.2016 йилдан бошлаб Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли йиғилишининг баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига риоя қилиш мажбурияти қабул қилинди.

Корпоратив бошқарув кодекси талабларига асосан акциядорлик жамиятларида самарали ички назорат механизмини жорий қилиш мақсадида кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритади.

Акциядорларнинг 2021 йил якуни бўйича 24.06.2022 йилда ўтказилган йиғилишда акциядорлар томонидан Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо бўйича таклиф билдирилмаганлиги сабабли Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо киритилмаган.

31.05.2023

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/15639/>

Дата: 25.06.2026